

## Саховат тоғининг чўққиси



12:31 / 04.05.2025 1639

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг чақириғи билан Исломни қабул қилиб, мусулмон бўлган ҳазрати Усмон ибн Аффон табиатан ҳалим, юмшоқ кўнгилли, яхши хулқли бир шахс эди. У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, калимаи шаҳодатни айтди ва умрининг охиригача бу диннинг ҳимоячиси бўлди. У мусулмон бўлган пайтда ўттиз тўрт ёшда эди. Отасидан катта миқдордаги молни мерос қилиб олган ҳазрати Усмон тижорат ишлари билан машғул бўлди. У Маккадаги саноқли бой тижоратчилардан бири эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Руқайя розияллоҳу анҳо исмли қизларига уйланган ҳазрати Усмон аёли билан биргаликда Маккадан Ҳабашистонга ҳижрат қилди. У ерда бир муддат турганларидан сўнг бир гуруҳ мусулмонлар билан бирга яна Маккага қайтиб келдилар. Кейин эса Мадинага ҳижрат қилдилар.

Бадр ғазотидан ташқари барча ғазотларда иштирок этган ҳазрати Усмон бутун умри давомида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга, Исломга ва мусулмонларга ёрдамчи бўлди. Ҳазрати Усмон Хайбар ғазотида, Макка фатҳида ва Ҳавозин жангларига қўшган ҳиссаси катта бўлган.

Ҳунайн ғазотида мустаҳкам қалъа сифатида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни мудофаа қилган саҳобалар орасида ҳазрати Усмон ҳам бор эди. Ҳудайбия сулҳи келишувида у киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу

алайҳи васалламнинг номларидан Маккага борган.

Ҳазрати Усмон розияллоху анҳу Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин халифа бўлган Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳунинг хос котиби бўлган. Ҳазрати Абу Бакрнинг халифалик даврида маслаҳат кенгаши аъзолари орасида ҳазрати Усмон ҳам бор эди. У киши ҳазрати Умар розияллоху анҳунинг халифалиги даврида бутун куч-қуввати билан унга ёрдамчи бўлган. Бу даврда ҳазрати Усмон давлатнинг иккинчи шахси эди. Инсонлар ҳазрати Умардан бирор нарсани сўрамоқчи бўлсалар, аввал ҳазрати Усмондан сўраб, у киши билан маслаҳатлашарди.

Ҳазрати Умарнинг вафотидан сўнг у тайин қилган ҳайъат мажлисининг қарорига кўра, ҳазрати Усмон халифа қилиб тайинланган. Унинг халифалик даврида исломий фатҳлар доираси янада кенгайди, зироат билан бирга тижорат ҳам ривожланди ва инсонларнинг ижтимоий фаровонлик даражаси энг юқори савияга етди. Кўплаб мусулмонлар эҳтиёжларидан ортиб, бойликка эга бўлдилар. Ҳазрати Усмон халифалик даврининг охириги йилларида фаровонлик ва бойликнинг ортиши билан бирга, баъзи бир минтақаларда сафоҳат (бузуқлик) ва ахлоқий заифликлар ҳам вужудга келган. Ислом душманлари мана шу фурсатдан фойдаланиб, мусулмонларнинг орасида фитналар чиқарган. Ҳазрати Усмон шаҳид қилинган кунгача жами ўн икки йил давомида халифалик қилган. У киши ҳижрий 35 (милодий 656) йилда исёнчилар тарафидан шаҳид қилинганида саксон икки ёшда эди.

Ҳазрати Усмон умр йўлдоши Руқайянинг жиддий хасталиги сабабли ва Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг тавсияларига биноан Бадр ғазотида қатнашмади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам жиҳодга чиқиб кетганларида Руқайя розияллоху анҳо дунёдан кўз юмди. Зайд ибн Ҳориса розияллоху анҳу Бадрнинг ғалаба муждасини Мадинага олиб келганида, ҳазрати Усмон аёлини дафн қилиш билан овора эди. Шундай қилиб, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам қизларининг жанозасига қатнаша олмадилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам бу жангда узрли сабаб билан қатнаша олмаган ҳазрати Усмонга тушган ғаниматлардан улуш ажратдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам ҳазрати Усмон билан яқин қариндошлик риштасининг узилиб кетишини хоҳламадилар ва яна бир қизлари Умму Кулсум розияллоху анҳони у кишига никоҳлаб бердилар. Шу сабабли у киши «икки нур соҳиби» маъносидаги Зуннурайн лақабини олди.

**«Миллионер саҳобалар» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 26 март  
03-07/1613-сонли хулосаси асосида чоп этилган.